

Параосиё ўйинлари:

«ОЛТИН»ЛАР ШОДАСИ

ХИТОЙНИНГ ХАНЧЖОУ ШАХРИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН IV ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА 12 ДАВЛАТДАН 133 НАФАР СПОРТЧИ ҚАТНАШМОҚДА.

Параканоз бўйича ўтаётган мусобақаларда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасарруфдаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 6 нафар спортчиси, яъни Азизбек Абдулхабибов, Ирода Рустомова, Шахзода Мамадалиева, Хайитмурот Шерқўзиёв, Шахноза Мирзаева, Ҳасан Қўлдошевлар қатнашиб, ўз йўналишларида ракиблари устидан ғолиб келиб, олтин медалларни қўлга киритди.

Истеъдодли спортчиларимизни ютуқлари билан муборакбод этамиз!

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Андижон вилояти

ОЛАМ ЯШИЛЛИККА БУРКАНСИН!

Хозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган 25 октябрдан 1 декабргача кузги дарахт экиш мавсуми нафақат бугунимизни, балки эртанимизни ҳам ўйлаб илгари сурилган эзгу ҳаракатдир.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши жамоаси ҳам мазкур ҳаракатда фаол қатнашиб, манзарали дарахт қўчатларини экиб, шу орқали экологик муҳитни яхшилашга, вилоятимизда амалга оширилаётган кўкаламзорлашти-

риш ишларида салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Дарҳақиқат, шундай хайрли ишларни ҳар биримиз ҳам кунни қилишга, экологик маданият шаклланишига ҳисса қўшишга, табиатнинг бетакрор гўзалликларини асраб-авайлаб, келажақ авлодга бус-бутунлигича етказишга ҳар биримиз бурчимиз. Шунини унутмайлик.

Дилфузахон ИСОМИДИНОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Устувор вазифалар таҳлили

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши Урганчда ўтказилди.

Йиғилишда раёсат аъзолари, тармоқ вилоят ташкилотлари мутасадди-лари ва бир қатор бошланғич қў-мита раислари иштирок этишди.

Республика кенгаши раиси Абдулла Нугманов олиб борган йиғилишда тармоқ кенгашининг 2023 йилнинг ўтган даври-даги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, тармоқ касба аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб иш шaroитлари яратиш, са-лооматлиги ва дам олиши билан боғлиқ ма-салаларни ҳал этиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ҳусусида ахборот берилди.

Шундан сўнг тармоқ касба уюшмаси тизимида маданий-маърифий ва спорт

тадбирларини ташкил қилиш, маънавият соатлари ўтказиш борасида олиб борила-ётган тадбирлар ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, 2023 йил-нинг 9 ойи давомида 4 минг 353 та меҳнат жамоасида ўтказилган маърифат соатла-рида 115 минг 225 нафар ходим ишти-рок этган. Уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий урф-одат, анъана ҳамда кадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб этишга эътибор қaratилган.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши маж-лиси қарорлари ижросини таъминлашга эъ-тиборни қулайтириш, бошланғич ташки-лотлар фаолиятини янада яхшилаш зару-рлиги таъкидланди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томони-

дан қуйи бўғинда ижтимоий шериклик муносабатларини кенг йўлга қўйиш, бош-ланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида «Энг яхши жамоа шартномаси – 2023» кўрик-танлови таш-кил қилинган эди. Кўрик-танловнинг рес-публика босқичида Хоразм вилояти ав-томобиль йўллари бош бошқармаси ик-кинчи ўринни қўлга киритди. Раёсатдан кейин ғолиб бошланғич кўмигага Респу-блика кенгашининг дипломи ҳамда қим-матбаҳо совғалари топширилди.

Шу кунни раёсат аъзоларининг қадимий ва навқирон Хива ҳамда Урганч шаҳарлари бўйлаб саёҳатлари ҳам ташкил қилинди. Республика кенгаши томонидан раёсат йиғилишларини вилоятларда ўтказишдан қўзланган мақсад ҳам шу – ходимларни юр-тимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш, ўзаро тажриба алмашишлари учун шарт-шaroитлар яратишдир.

Муҳаббат ТЎРАБОВА
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Бандлик

Улар энди ишсиз эмас

Президентимизнинг ташаббуси билан Фарғона вилоятини хотин-қизлар ўрта-сида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш таклифи илгари сурилган эди.

Айни пайтда вилоятда бу бо-рада муайян ишлар қилин-моқда. Хусусан, Ўзбекис-тон касба уюшмалари Федера-цияси Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Тошлок тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида тумандаги хотин-қиз-лар бандлигини таъминлаш бўйича фаол тадбиркорлар ва иш берувчи-ларнинг мулоқот учрашуви таш-кил этилди. Унда ишлаш истаги бор опа-сингиллар «Amira textile», «SMSHD TEX» корхоналарида бў-либ, яратилган шaroит ва қулайлик-лар билан яқиндан танишишди.

«SMSHD TEX» корхонаси фаолияти билан танишган Дилбар-хон Валиева унда ишлашга жазм қилди. У билан шу ернинг ўзида меҳнат шартномаси тузилди.

– Ташаббускорларга раҳмат, – дейди Дилбархон Валиева. – Ушбу мулоқот асносида ўзимга мос иш топдим.

– Очиғини айтсам, анчадан буён иш излаб юргандим, – дейди Ўғилрой Тўлқинова. – Бутун кўн-гим таскин топди. Тадбиркорлар ва иш берувчилар билан ўтказил-ган мулоқот учрашувидан кейин «Amira textile» корхонасига ишга

жойлашдим. Ойлиги 4 миллион сўмгача экан. Бу ердаги шaroит ва қулайликлар менга манзур бўлди. Ишга кирганимни эшитган ота-онам ҳам роса суюнишди.

– Корхонамизда айни пайтда юз нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Яна 200 нафар ишчига эҳтиёжimiz бор, – дейди «Amira textile» корхонаси иш юритувчиси Иродахон Мамасид-диқова. – Бутунги ташкил этил-ган учрашувда 30 нафардан ортиқ опа-сингилларimiz ишлаш иста-гини билдиришди. Энди уларнинг ёрдами билан ишлаб чиқариш ҳажмининг янада оширамиз.

Корхоналар томонидан хо-димлар ишга келиб кетишлари учун автобуслар ажратилгани, ходимлар тушликда иссиқ овқат билан таъминланиши, ойлик маошларининг ўз вақтида тўла-ниши опа-сингилларimizга маъ-кул бўлди. Натижада мулоқот уч-рашувда ишлаш истаги бор 50 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.





Касб-корига меҳри сингган инсонлар вақт-соати келиб пенсияга чиққанида, қадрдон жамоаси ва атрофдаги таниган-билганлар тез-тез эслаб, йўқлашса, хурсанд бўлишади. Жамоада ўринлари нечоғлиқ эканини чуқур ҳис қиладилар, хизматлари беиз кетмаганидан, эътибордан бошлари кўкка етади.

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касба уюшмаси ана шундай хайрли ишларни анъанага айлантирган. Хусусан, филиалда фаолият юритиб, ҳозирги кунда пенсионер ҳисобланган 80 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олинди. Улар билан самимий суҳбатлар қурилди, эсдалик совғалар тақдим этилди.

– Мен бу соҳада 55 йил ишлаганман, – дейди Ғани Жўраев. – Йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш устаси, катта муҳандис, шўъба корхонаси раҳбари, бўлим бошлиғи каби лавозимларда фаолият кўрсатдим. Жамоадагилар бир-бирлари билан жуда аҳил бўлиб, касба уюшмаси тавсияси асосида дам олган масканларимиз, фарзандларимизга йўлланма берилган оромгоҳлар хотирамизда бир умрга муҳрланган. Мана, ҳозир пенсиядамиз.

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАР



Шундай бўлса-да, касба уюшмасидагилар мудом йўқлаб туришади. Меҳнатларимни унутишмаганига ич-ичимдан хурсанд бўламан. Қадрлаганларнинг ўзлари ҳам осмон қадар юксак қадр топишсин.

Маълумот ўрнида айтиш керак, «Худудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касба уюшмаси ташаббуси билан жорий йилнинг 9 ойи давомида жами 39 нафар ходим турли дам олиш масканлари

ва санаторийларга юборилган. Шунингдек, 12 нафар ходимнинг оила аъзолари ҳам дам олишлари ташкил қилинган. Касба уюшмаси 18 нафар моддий ёрдамга муҳтож ходимга 22 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатди. 6 нафар соғлиғида жиддий муаммоси бор ходимга жарроҳлик амалиёти учун қарийб 71 миллион сўм тўлаб берилди.

Касба уюшмаси томонидан ички туризми ривожлантириш ва ходимларнинг маданий дам олишларини уюштириш мақсадида туман ва шаҳар газ идораларида ишлаётган жами 100 нафар ходим учун қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳатлар ташкил этилди.

Шунингдек, ташкилот бошланғич касба уюшмаси томонидан ҳар бир ходимнинг туғилган куни ва юбилей ёшларида табриклаш, пенсия ёшига етганида уларни эсдалик совғалари билан тантанали кузатиш анъанага айланган.

Ғўзал МАҲМАДАЛИЕВА,
«Худудгаз Тошкент» газ таъминот
филиали бошланғич касба
уюшмаси ҳисобчиси



«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

«ЛОЛАЗОР»ДА ЯНГИЛИКЛАР КЎП

Косон туманидаги «Лолазор» маҳалласи аҳлининг ҳаёт тарзи яхшиланишида «Аёллар дафтари» муҳим аҳамият касб этаётир.

Маҳаллада 62 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичида рўйхатга олинган. Шундан ногирон фарзанди бор аёлларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу ҳаммаси эмас. Ногирон фарзанд тарбиялаётган Гулнора Қўзиевага моддий ёрдамдан ташқари 5 миллион сўм маблағ шиfoxонага ўтказиб берилди. Даволалиб чиққан фарзандининг саломатлигида ижобий ўзгаришлар бор. Шунингдек, боқувчисини йўқотган, икки боласи билан бировнинг уйида яшаб келаётган Наргиза Қаҳҳоровага ҳомийлар томонидан янги уй совға қилинди. Болаларига нафақа тайинланди.

Уч нафар фарзанди билан нотураржойда ноконуний тарзда яшаётган Шаҳзода Ҳайдаровага

ҳам янги уй ҳужжатлари тақдим этилди. Бу оила энди уйли бўлади-ган бўлди.

Беш фарзанднинг онаси Шаҳноза Раҳмонова ишлаш истагини билдириб, ўзини «Аёллар дафтари»га киритишни сўраганди. Шундан сўнг у маҳалладаги спорт мажмуасига фаррошликка қабул қилинди. Бундан ташқари, турмуш ўртоғи билан ажрашган Фотима Эшонқулова «Бунёдкор текстил»га ишга жойлашди.

Мухлиса Сатторованинг бошидан кечирганлари анча изтиробли. Дастлаб, фарзандидан жудо бўлди. Дилбанди доғида руҳий тушкунликка тушиб қолган аёلнинг «стресс»дан чиқиши қийин кечди. Бу орада турмуш ўртоғи билан орасига совуқчилик тушиб, оила ҳам

бузилди. «Дард келса, қўша-қўша келади» деганларидек, аёл йиқилиб, умуртқасини синдириб олди. Тўшакка михланди. Юролмай қолди. «Аёллар дафтари»нинг шарофати билан Мухлисанинг даволаниши учун маблағ ажратилди. Шифокорларнинг айтишича, саломатлиги секин-аста тикланиб бормоқда.

«Лолазор» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Марҳабо Маматова касба уюшма ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан хонадонма-хонадон юриб, хатлов ишларини олиб борапти. Тарғиботнинг самараси ўлароқ, имтиёзли кредит асосида чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона юмушлари билан банд бўлишни ихтиёр қилганлар кўпчилик экан. Демак, худудда ҳали кўп янгилик бўлади, ижобий эврилишлар давом этади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Касба уюшмаси аралашгач...

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгашига вирусология илмий-тадқиқот институтининг инфекционист-шифокори Феруза Назаровадан ариза келиб тушди. Унда корона-вирус пайтида ўзига бир йўла тўланиши шарт бўлган қўшимча тўловлар ҳамон берилмаётгани ҳақида сўз юритилган эди.

ЮЗ МИЛЛИОН СЎМЛИК ТЎЛОВ УНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Бу ариза тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши инспекциясининг Тошкент шаҳар бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Муҳиддин Содиқов томонидан атрофлича ўрганилди. Пировардида Ф.Назаровага рағбатлантириш тўловлари, ҳақиқатан ҳам, белгиланган муддатда берилмагани маълум бўлди.

Ҳолбуки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 июлдаги кўрсатма хатига кўра, ўша йил 5 июлдан эътиборан у институтнинг жадал даволаш бўлимига жойлаштирилган, COVID-19 инфекцияси билан оғир ва ўта оғир даражада касалланган беморларни даволашга жалб этилган. Иш фаолиятини ўн тўрт кун давомида икки сменада олиб борган. 17 июлда режага мувофиқ, ундан коронавирус инфекциясига намуна олинган. Лаборатория текшируви натижаси мусбат эканлиги маълум бўлгани туфайли уй шароитида ўн кун даволанган.

Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги 4652-сонли қарори ҳамда Бош вазирнинг 2020 йил 30 апрелдаги баённомасининг 4-боби, 31-бандига асосан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтда корона-вирус юқтириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм тўланиши лозимлиги қайд этилган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари қарориди унинг ижроси билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, Феруза Назаровага бу пул ҳозиргача тўланмаган.

Ана шу боис меҳнат ҳуқуқ инспектори Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳисобидан Ф.Назарова фойдасига 100 миллион сўм ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди шу асосда қўзғатилган ишни ҳолисона кўриб чиқиб, даъво-аризани қаноатлантиришни лозим топди. Бу ҳақдаги ҳал қарорига биноан, Молия вазирлиги орқали республика бюджетидан Феруза Назарова фойдасига 100 миллион сўм миқдориди бир йўла бериладиган тўловлар ундирилиб, вирусология илмий-тадқиқот институти орқали тўлаб бериладиган бўлди.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»



Жумладан, навбатдаги мурожаатчилар – Бўри Муродов, Рустам Худойбердиев, Шухрат Раҳимов, Нуրқобил Азизовлар ўз аризаларида иш берувчининг хатти-ҳаракати туфайли мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақлари ва маънавий зарарларни

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОСИ ҚИММАТГА ТУШДИ

ундириш нисурди.

Мурожаатлар ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилди.

Гашундаки, улар жорий йилнинг 23 мартига

чида вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармасида фаолият юритиб келишган.

Давлат раҳбарининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъ


мурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Молия вазирлиги негизда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ташкил этилди ва намунавий штат жадвалига биноан баъзи штат бирликлари қисқартирилди.

Иш берувчи мана шу фармон ижросини таъминлаш мақсадида ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилган. Бунга Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандини асос сифатида келтирган.

Аммо олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, юқоридаги ходимларнинг штат бирликлари қисқармаган.

Демак, бундан ойдинлашадик, иш берувчи Б.Муродов, Р.Худойбердиев, Ш.Раҳимов ва Н.Азизов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 100-, 101-, 98-, 92-модда талабларини қўпол равишда бузган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сур



Ўқув

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашида «Мурожаатлар билан ишлаш тизими самардорлигини ошириш давр талаби» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?



Тадбирда Федерация раиси ўринбосари, Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев, вилоят кенгаши раиси Мухаммадқосим Олимов, кенгаш аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Иштирокчиларга тизимда амалга оширилаётган ислохотлар, ходимлар ўртасида меҳнат интизоми ва жисмоний юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиблари тўғрисида тушунчалар берилди.

– Мурожаатларни ўрганишда ҳар бир келтирилган ваз бўйича режа тузилиши, унга мувофиқ ишнинг кетма-кетликда ўрганилиши, мурожаат муаллифининг ҳар бир саволига батафсил жавоб қайтарилиши иш самарадорлигини оширувчи асосий омиллардан саналади, – деди Қобилжон Қирғизалиев. – Биз шу асосда тегишли масъулларга тавсиялар бердик.

Қайд этиш лозимки, вилоят кенгашига йил давомида кўплаб мурожаатлар келиб тушади. Биргина жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассис Рустам Насимов айтишича, ҳисобот даврида 133 та мурожаат қабул қилинган. Уларнинг 130 таси ходимларнинг меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, ишга тиклаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлиқ ундириш, 56 таси ҳуқуқий ҳимоя, 27 таси моддий ёрдам ажратиш, 13 таси меҳнат муҳофазаси, 17 таси ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва 20 таси бошқа масалалар бўйичадир. Арзларнинг барчасини кўриб чиқиш натижасида 73 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланган.

Анжуман қизғин руҳда ўтди. Иштирокчилар меҳнат ҳуқуқлари борасидаги билимлари бойиганини, кўплаб янгиликлардан хабардор бўлишганини алоҳида эътироф этишди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

хондарё вилояти кенгаши ходимларнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судида даъво-ариза киритди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судида даъво-ариза тўлиқ қаноатлантирилди.

Хусусан, суд қарорига биноан Б.Муродов Бойсун тумани иқтисодиёт ва молия бўлимининг ободонлаштириш, коммунал ва йўл ҳўжалигини ривожлантириш тадбирларини молиявий таъминлаш шўъбаси бош мутахассиси лавозимига ишга тикланадиган ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан унинг фойдасига 15 миллион 665 минг 78 сўм иш ҳақи ҳамда 7 миллион 600 минг сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Р.Худойбердиев Ангор тумани иқтисодиёт ва молия бўлими жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича бош мутахассис лавозимига иш бошлаши, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчи унга 9 миллион 972 минг 940 сўм ойлик иш ҳақи ва 5 миллион сўм маънавий зарар тўлаши керак.

Ш.Раҳимов Шўрчи тумани иқтисодиёт ва молия бўлими маҳаллий бюджетни шакллантириш бюджет ташкилотларини молиявий таъминлаш бўлими бош мутахассиси лавозимига ишга тикланиб, унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун 10 миллион 223 минг 990 сўм ойлик иш ҳақи ва 5 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Н.Азизов эса Узун тумани иқтисодиёт ва молия бўлими маҳаллий бюджетни шакллантириш, бюджет ташкилотларини молиявий таъминлаш бўлими бош мутахассиси лавозимига фаолият бошлади, мажбурий бекор юрган вақтлари учун унга 18 миллион 843 минг 504 сўм ойлик иш ҳақлари ва 8 миллион 200 минг сўм маънавий зарар қоплаб берилди.

Зариф ХОЛОВ,

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ishonch savoli

РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА
ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

РОСТДАН «АИ-80»МИ?

ёхуд бензиннинг сифатига ким жавоб беради?

Ҳар йили йил якунига қараб боравергач, пойтахтдан тортиб вилоятларгача ёнилғи, яна ҳам аниқроғи, бензин тақчиллиги кузатилади. Бу йил ҳам октябрь ойиданоқ ушбу таниш ҳолат кўзга ташланияпти.

Вазиятни мунтазам кузатиб борапмиз. Аввалига бензин нархлари ошди. Кейин эса Аи-90, Аи-95 маркали бензинларнинг сифати пастлиги оқибатида автомашиналарнинг эҳтиёт қисмлари ишдан чиқаётгани ҳақида турли гап-сўзлар (ижтимоий тармоқларда) айланиб қолди.

Аммо Энергетика вазирлиги ёки «Ўзбекнефтегаз» АЖнинг бирор бир масъули ҳолат бўйича бир энлик изоҳ ёки тушунтириш бермади.

Энди эса интернетда яна бир хабар тарқалди. Айрим ёнилғи қуйиш шохобчалари (сифати пастлиги учун Қозоғистон ва Россия ишлаб чиқаришни бир неча йил аввал тўхтатган) Аи-80 маркали бензинни «российский» ёрлиғи билан сотаётган экан.

Энди саволлар туғилади: улар бу билан ўзимизнинг халқимизни алдашптимиз? Ёки ҳақиқатан ҳам, бу тадбиркорлар Россия бензинини сотишаётганмикан?

Агар шундай бўлса, Россия Федерацияси бензин экспортини расман тўхтатгани ҳақида нима дейсиз?

Одамларда туғилаётган бу каби шубҳали қарашлар ва саволларга ким жавоб беради? Қачонгача бундай инсофсиз тадбиркорлар дастидан оддий халқ алданаверади? Наҳотки, юртимизда уларни тийиб қўядиган ташкилот бўлмаса? Ёки энергетика тизими эгасизими?

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



УЙИНГИЗДА КИТОБ ЖАВОНИ БОРМИ?

Китобсиз уй руҳсиз танага ўхшайди. Китоб билим манбаи, тафаккур чироғидир. Китобнинг ажойиб хусусиятлари, замон қанчалик ривожланмасин, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бугун замонавий технологиялар воситасида китобнинг муқобил вариантлари ҳам тавсия қилинмоқда. Уларнинг ҳам аҳамияти катта. Бироқ китобнинг маърифий, тарбиявий, инсон руҳи ва онгини, тасаввури ҳамда дунёқарашини ривожлантиришдаги таъсир кучи муқобилларига нисбатан анча самарали ва мустақкам асосларга эга. Балки шунинг учун ҳам тараққий этган мамлакатларда китобга муносабат ҳамон ижобийдир.

Тадқиқотларга кўра, 2022 йилда аҳолиси китоб ўқишга кўп вақт сарфлайдиган давлатлар рейтингига Ҳиндистон, Таиланд, Хитой етакчилик қилган. Хиндлар бир ҳафтада 10 соатдан кўп вақтини китоб ўқишга сарфлар экан. Албатта, бу умумлаштирилган маълумот бўлиб, кимдир бир соат, кимдир 15 соат, яна кимдир умуман ўқимаслиги мумкин. Энг китобхон халқлар ўнталигидан Россия, Миср, Саудия Арабистони; йигирматаликдан эса Туркия жой олган.

Давлатимиз томонидан китобхонликини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада давлат дастурлари қабул қилиниб ижрога қаратилиши, турли вазирлик ва ташкилотлар ўтказаятган кўрик-танловлар, мусобақали акциялар натижасида сўнгги йилларда китобхонлик даражаси бироз ривожлангандек. Юртимизда китобхонликини тарғиб қилиш йўлида қатор лойиҳалар ўтказилмоқда. Ёшлар китоб ўқишлари учун ҳатто енгил автомобиллар берилмоқда.

Кўпчилик мутахассислар йиллар давомида китобхонлиқнинг умуммиллий ҳаракат даражасига қикмай қолганига одамларнинг иқтисодий таъминотини муаммо сифатида рўқча қилади.

Хўш, шундай бўлса, яқинларгача аҳолисининг 55 фоизи қашшоқликда кун кечирадиган Ҳиндистон қандай қилиб энг китобхон миллат сифатида рейтингда биринчи ўринда турибди?!

Ёки бугун қоғоз шаклидаги китобларнинг умри тугади, энди китобларни электрон қурилмалар – компьютер ва гаджетлар орқали ўқийман, деган киши ҳам адашади. Чунки шу электрон қурилмаларни бизга экспорт қилаётган Хитой ва Таиланд каби давлатлар аҳолиси қоғоз китобларни ўқиш бўйича дунёнинг етакчилари.

Мени бугун китоб эмас, хонадонимизда уни қўйиш учун жой, жавон борми деган савол қизиқтиради. Аслида юртимиздаги ҳар бир хонадонда китоб жавони бўлиши керак. Чунки китоблар уйнинг муҳитини ўзгартиради, оилада китобга бўлган қизиқишни оширади.

Масалага янада чуқурроқ ёндашсак, уйда китоб жавони

бўлиши қуйидагиларга сабаб бўлади:

- *Вақтни тежайди, керак китоб тез топилади;*
- *Болаларни китоб ўқиш қўникмасини шакллантиришда етакчи аҳамият касб этади. Шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари ҳам бўли вақтини китоб ўқиш билан ўтказишга шароит яратади;*
- *Китобларнинг жавонда туриши унинг яхши ҳолатда сақланишига ва узоқ муддат хизмат қилишига олиб келади;*
- *Китоб жавони уйга кўрк қўшади.*

Хўш, нега уйимизда китоб жавони йўқ?

Илгари, ҳали юртимизда иқтисодий муаммолар тўлиқ бартараф этилмасдан туриб, бу саволни қўйиш дуруст бўлмас эди. Бугун, шукурки, аксарият оилаларнинг фаровонлиги ошган.

Бугун ўртача даромадга эга юртошимизнинг хонадони уйга кириш жойида кийим илишга мўлжалланган мебелдан тортиб ошхона учун зарур мебелларгача жиҳозланган. Ётоқхонамиз қимматбаҳо тош ойна, каравот, сантехника, меҳмонхонамиз ҳашаматли мебеллар ва камида 10 киши ўтиришига мўлжалланган стол-стуллар билан тўлдирилади. Лекин улар орасида китоб жавони йўқлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Баъзида фарзандларимиз ётоқхонаси учун ёки никоҳ тўйи учун энг қиммат мебелларни излаб қоламизу, бироқ ундан 10-20 марта арзон, нари-бериси билан 1-2 миллион сўм бўладиган китоб жавонини қўшиб қўйиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Олинadиган ҳашаматли мебелларга эса китоб жойлаб бўлмайди, нимадир қўйиш мумкин бўлган-да ҳам китоб эмас.

Албатта, хонадониди катта кутубхонаси бўлган зиёлиларимиз бор. Бироқ улар 36 миллионли халқ ичида жуда камчиликни ташкил этади.

Уйимизда китоб жавони ва ундан фойдаланиш маданияти бўлмас экан, болаларимизга китобхонлик борасида ўрнат бўла олмаймиз.

Йигирма йиллар аввал Хоразмдаги ҳар бир хонадонда тор ва доира, чўғирма бўлиши табиий бир ҳол саналар, бу худди ёзилмаган қондадек оилалар учун қадрият ҳисобланарди.

Бугун ҳам ҳар бир ўзбек хонадонидида китоб жавон бўлиши, ундан фарзандларимиз камоли, оиламиз тинчлиги ва хотиржамлигига маънавий асос бўладиган китоблар жой олишини урфа айлантиришимиз, «Китобсиз хонадон – фэйзсиз хонадон», деган тасаввури онгимизга сингдиришимиз лозим.

Мен шундай ўйдаман. Сиз қандай фикрдасиз?

Бекзод АБДИРИМОВ,
Республика маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари

ҲИСОБОТИНГИЗ ҲАЁТИЙ ЭМАС

МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ЭЪЛОН ҚИЛГАН НАРХ-НАВО ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўтган ҳафта Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) озиқ-овқат маҳсулотлари нархини эълон қилди.

Унга кўра, мутахассислар 7 сентябрь ҳамда 12 октябрь кунлари пойтахтдаги йирик супермаркетларда 21 номдаги озиқ-овқат нархини ўрганган. Мониторинг натижалари 8 хил маҳсулот бўйича минимал нархлар ўтган ойдагига нисбатан пасайганини кўрсатган. Хусусан, оқ қарам 61,5 фоиз, олма 15,4 фоиз, сариқ пиёз 10,3 фоиз, макарон 4,7 фоиз, мол гўшти (филе) 4,6 фоиз, ўсимлик мойи 3,1 фоиз, лимон 1,6 фоиз, бодринг 1,3 фоизга арзонлаган. Гуруч, шакар ва маргарин нархлари ўзгаришсиз қолган. 10 номдаги маҳсулот нархлари эса ошган. Айниқса, помидорнинг энг арзони 5950 сўмдан 9990 сўмга кўтарилган. Банан ва сут нархида ҳам ўсиш бор – мос равишда 3000 сўм ва 2110 сўмга қимматлаган.



Институт мутахассислари нарх-наво ҳолатини ўрганишда қайси омиларга эътибор қаратгани тушунарсиз. Чунки улар эълон қилаётган ҳисоботлар мантиққа тўғри келмаяпти.

Аслида, супермаркетда маҳсулотлар бозоридигига нисбатан бирмунча қиммат сотилади. Буни ҳамма билади. Лекин мутасаддилар таҳлиллари гўёки супермаркетларда арзончилик деган муждани бераётгандек.

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Асл ҳолатни билиш учун пойтахтнинг бир неча бозорини айландик. Иложи борида, арзонроқ ва гавжумроқ бозорлардаги нарх-навони ўрганиб, уларни умумлаштирдик.

Масалан, пойтахтнинг энг арзон бозори – «Кўйлик» деҳқон бозоридигига нарх-наволарни кўриб чиқайлик.

Мазкур бозорда мутахассислар арзонлашди деб айтаётган озиқ-овқат маҳсулотлари – қарам (1 кг. – 4 минг, донага – 8 минг сўм), олма (1 кг. 10 мингдан 30 минг сўмгача), пиёз (1 кг. 3-5 минг сўм), мол гўшти (1 кг. сувлики – 65-85 минг сўм), бодринг (10-15 минг сўм), ўсимлик ёғи ярмаркада (1 литри – 14 минг 500 сўм, бошқа расталарда – 19 минг сўмдан сотилмоқда).

Сотувчиларнинг айтишича, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти «арзонлади» деяётган маҳсулотлар нархи яқин орада қимматласа-қимматлаган, асло пасаймаган.

– Тўғри, сентябрь ойида қарам бироз қимматроқ эди, – дейди «Кўйлик» деҳқон бозоридигига сотувчилардан бири. – Чунки унга талаб кўп, маҳсулот эса етарлики эмасди. Ҳозир қарам айна пишиб етилган пайт. Лекин кўпчилик уни тузлашга улгурди. Шу боис, ҳақиқатан ҳам, ҳозир бозорда қарамнинг нархи бироз пастлади. Лекин сиз айтаётган бошқа озиқ-овқат

маҳсулотлари нархи ўсишда давом этмоқда. Умуман олганда, октябрь ойида нарх-наволар анча кўтарилди.

– Кўп йиллардан буён шу соҳадаман, – дейди бозордаги қассоб. – Бозорда гўшт сотаётганимга анча бўлди, лекин бирон марта нархи арзонлаганини эслолмайман. Мутахассислар гўштининг нархи тушибди, деган ҳисоботларни қаердан оляпти, билмадим. Масалан, ҳозир биз новвос гўштининг килограммини 75 минг сўмдан сўйиб олиб, бозорда 85 мингдан сотаяпмиз.

Пойтахтнинг «Эски жўва», «Машинасозлар», «Юнусобод» каби деҳқон бозорларидаги нархлар эса «Кўйлик» бозоридигидан 10-15 фоизга фарқ қилади.

– Ҳар ҳафта «Кўйлик» деҳқон бозоридан рўзгорлик қиламан, – дейди Анвар Пардаев. – Бошқа бозорларга нисбатан анча арзон. Онда-сонда ижтимоий тармоқларда тегишли ташкилотларнинг нарх-наво борасидигига ҳисоботларига кўзим тушиб қолади. Очиғи, улар келтираётган рақамлардан ҳайратга тушаман. «Фалон ойда фалон маҳсулотнинг нархи шунчага арзонлади», деган гапга ўзларидан бошқа ҳеч ким ишонмаса керак.

Хуллас, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти арзонлади, деган маҳсулотлар бозорларда бундан олдинги ойга нисбатан ошган бўлса, ошганки, арзонлашмаган. Ҳар ҳолда, буни халқ ўз ҳаётида сезаётгани йўқ. Шундай экан, мутахассислар кимни алдаяпти? Халқ ҳаётига дахлдор бўлмаган ҳисоботни эълон қилишдан мақсад нима? Ҳарқалай, халқнинг турмуши, кундалик ҳаёти билан боғлиқ масалаларда фақат уч-тўртта супермаркетдаги нарх-навони ўрганиш билан чекланиб, ақл бовар қилмас рақамларни эълон қилиш одамларни чалғитишдан ўзга нарсасиз эмас. Ваҳоланки, асл вазиятни кунда-кунора бозор оралайдиган одамлар жуда яхши кўриб-билиб турибди. Бу каби ҳисоботлар эса жамият равнақи, халқ ишончига путур етказди, холос.

Ғуломжон
МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Саидакбар АБДУРАИМОВ олган суратлар

Ўзимизнинг Махарадзе

70 ёшни қаршилаётган қашқадарёлик журналист
Хусан Темиров билан телефондаги суҳбат

– Ассало-му алайкў-ўм...
– Э-э, Махарадзе! Махарадзе бобо! Ўзингизми?
– Ўзимман, ака, ўзимман, танидингиз-а?
– Танимай бўладими сизни? Сизни-я! Сиздай бир замонлар дунё таниган машҳур футбол шарҳловчиси Хусан Махарадзени-я?! Бормисиз?
– Борман, ака, борман. Тўй қиялпман. Кемасангиз бўмайди.
– Муборак бўлсин. Албатта, борамиз. Қачон?
– Қанақа тўй, кимнинг тўйи, деб сўрамай-сизми?
– Ҳар ҳолда, уйланиш ёшига етганингиздан бери олтимиш қовун пишиги ўтиб кетди-ёв. Фарзанд ёки набираларни...
– Етмишга қиялпмиз, етмишга!
– Йўғ-е! Кечагина қайроқдай йигитча эмасдингиз?!
– Худога шукр, шу кунларга етиб келдик.
– Лекин бир сирни айтайми? Сал шошибсиз-да етмишга киришга. Ҳали яна беш-олти йил ўйнаб-қулиб юрсангиз бўларди. Ростини айтсам, ҳавас қиладиган жойлари унча кўп эмас экан етмиш ёшини.
– О-ҳо-ҳо! Шунақа эканми? Лекин иложи йўқ экан-да.
– Ҳай, майли. Футбол нима бўлади? Ким шарҳлайди энди футболжонни?
– Бойчиборки бор экан, от безга қолмайди, Алпомишлар топилади, ака. Шогирдлар кўп.
– Бойчиборини бошқага берадиган чавандоз йўқ, ҳали узоқ йиллар ўзимиз шарҳлай-верамиз, демайсизми, Махарадзе бобой?
– Бундан бағига энди бизники дуо. Дуокаш ҳам керак-ку жамиятга.
– Дуокаш бобо, қадим замонлардан бери сиздан бир гапни сўрайман, деб юардим. Тўғриси айтинг, Хусан Темиров ўша пайтларда шарҳлаш маҳоратини Махарадзедан ўрганганмиди ёки Махарадзе сизданми? Кўп футбол ишқибозлари, репортажларингизни эшитганидан кейин, «Махарадзе асли қашқадарёлик бўлган, кейин кетиб қолган Грузияга. Қашқадарё шевасида гапириши шундан», дейишди. Ҳозир ҳам унда-мунда уфатчилик қилиб турар эмишсизлар, шу гаплар ростми?
– Во-хо-хо! Махарадзе Тбилисида, биз Қар-

шида. Лекин кучли шарҳловчи эди у. Овозимиздаги уйкашликка келсак, буям табиатнинг ўйини бўлса керак. Сизмас, бошқалар, ҳатто ўша вақтдаги вилоят ҳокими, раҳматли Нуриддин Зайниев ҳам мени ҳар кўрганда «Махарадзе, ишлар қалай?» деб ҳазиллашардилар. «Агар бугун «Насаф» юттирса, сени телевизиргаям, стадионгаям яқинлаштирмайман», деб ёлғон пўписа қилардилар.
– Ўзгал табиатли, куюнчак, элпарвар раҳбар эдилар Нуриддин ака. Қаршида телерадиони кўчма Ҳайъат йиғилишини ўтказганимизда анча суҳбатлашувдик.
– Ў-ў! Нуриддин акага ўхшаган хушфеъл, ву-жуди эҳсон ва саховатга тўла, ҳиммати баланд

– Ҳайъат йиғилиши муносабати билан нуриддин зайниев вилоят ҳисобидан компания биносини таъмирлатиб берувди. Ҳайъат ҳам зўр ўтувди-да! Учрашибми, хабарлашибми қолсак, вилоят телерадиокомпаниялари раислари билан ҳали-гача эслашамиз. Эски дўстлар, ўша пайтдаги раислар – Жиззахда Хусан Эрматов, Самарқандда Амрилло Аҳмедов, Наманганда Муҳаммаджон ака, Хоразмда Нур Аҳмад... тез-тез «Ҳайъат»лашиб турамыз ўша кунларни хотирлаб.

рахбарлар жуда кам. Маданиятли, юксак маърифатли. Адабиётни, санъатни севарди, ихлоси баланд эди зиёлиларга, спортчиларга. «Насаф» ўйнайдиган кунлари эрталабдан стадион атрофида айланиб юарди безовта бўлиб.
– Таллимаржонни, ичида кўпқари чопса бўладиган баҳайбат қувурларни биринчи марта ўшанда кўрганман. Нуриддин ака олиб боргандилар. Кўриб ҳайронлар қолувдик.
– Ҳайъат йиғилиши муносабати билан Нуриддин Зайниев вилоят ҳисобидан компания биносини таъмирлатиб берувди. Ҳайъат ҳам зўр ўтувди-да! Учрашибми, хабарлашибми қолсак, вилоят телерадиокомпаниялари раислари билан ҳали-гача эслашамиз. Эски дўстлар, ўша пайтдаги раислар – Жиззахда Хусан Эрматов, Самарқандда

Амрилло Аҳмедов, Наманганда Муҳаммаджон ака, Хоразмда Нур Аҳмад... тез-тез «Ҳайъат»лашиб турамыз ўша кунларни хотирлаб.
– Намангандаги йиғилишни-чи?
– Ў-ў! Яқинда Муҳаммаджон ака билан телефонлашдик. Биласиз, ҳозир ҳам вилоят телерадиокомпания раиси. Наманганда ўтган Ҳайъат йиғилишидан кейинги суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, гурунглар, Нур Аҳмаднинг хиргойилари – ҳаммасини эсладик, сизнинг қулогингизниям роса қиздирдик.
– Хусан Эрматов ҳозир «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг бош муҳаррири. Нур Аҳмад таниқли актёр, бир нечта бадий фильмларда жиддий ролларни жуда яхши ижро этди. Китоблар ёзди, катта-катта китобларни таржима қилди. Умуман, хоразмликман деган ҳаммасининг қонида санъат бор.
– Ҳай, ўтган ишга саловат де-гандай, ўтгани – ўтди, бугундан гапиринг, ҳозир нималар билан бандсиз?
– Бекорчилик, қарилик гаштини сури-иб...
– Ўн беш йил вилоят телевиденисини бошқарган, «Шуҳрат» медали соҳиби, таниқли журналист, «Энг улуғ, энг азиз» танлови совриндори, атоқли спорт шарҳловчиси, «Ўзбекистон спорти фахрийси» ва энг муҳими, ҳали йигитлардек тетик одамнинг шу эртагига мени ишонади, деб ўйладингиз-да, а? «Фермер» журналининг Қашқадарёдаги муҳбири эканингизни ҳам, нуронийларнинг вилоят кенгаши аъзоси эканингизниям биламан. Камтарлики кўйинг-да, зиммангизда яна қандай юмушлар борлигидан гапиринг?
– Тўғриси, пенсиядан кейин оёқни узатиб, маза қилиб ётаман, деб ўйловдим. Лекин, айтганингиздай, бекор туриб бўлмас экан. Аксинча, ишлар кўпайиб, қайнаб кетди. Бир минут бекорчи вақт йўқ. Ҳар куни бир эмас, бир неча ташвиш, ташвиш деганни ёмон маъносиям бор, лекин бизларники савобли, хайрли ташвишлар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев нуронийларга катта вазифалар юклаганлар. Маҳаллада, мактабда, гузарларда, оилаларда суҳбатлар, ҳар хил тадбир-

лар. Ростини айтсам, ака, юраверган эканмиз, ҳаммаси зўр, деб. Уй, оила, кўча, маҳалла деган жойларнинг маданиятини эсдан чиқариб қўйиб-миз. Тирикчилик деб чопибмиз, иш деб чопиб-миз, обрў-эътибор деб чопибмиз, чопавериб-мизу, шундоғ эшигимиз тагига, кўчамиз атрофига тўрт туп теракми-толми экишга ҳафсала қилмаб-миз. Ошхоналаримиз, молхоналаримиз, кечирасизу, ҳожатхоналаримизга қарамабмиз. Орқада қолиб кетган эканмиз, юраверган эканмиз бўла-веради, деб. Президентимиз шу камчиликларимиздан хабардор эканлару, аммо, қани, ўзлари тўғрилашармикан, деб индамай келаётган эканлар шекилли, охири, яқинда Қашқадарёга келганларида айтдилар. Жуда уятга қолдик, бошимиз эгилди у кишининг олдида. Хулласи калом, энди шуғулланаямиз. Қиладиган ишлар сочимиздан кўп.
– Етмишдан кейин сочниям баракаси қочади. Хўп, демак, ишлар етарли. Бола-чақа қалай, неварадан нечта бўлди? Эваралар-чи?
– Ҳаммаси етарли, Худога шукр. Келинингиз Бўstonой билан беш болани катта қилдик, ўқитдик, ўқитаямиз. Тўнғичимиз Шерзод Россиянинг «Лукойл» компаниясида, иккинчиси Бекзод Шўртангазда ишлайди. Чаросимиз тарих фанлари доктори, Комиламиз муаллима, кенжамиз 10-синфда. Хўш, неваралар, улар ўнта. Эвара, Худо хоҳласа, энди. Болалар катта бўлиб, уйли-жойли бўлсаям ташвиши тугамас экан. Биттаси у дейди, биттаси бу дейди. Биттаси у ёққа чақиради, биттаси бу ёққа судрайди. Бирига даллол, бирига имом, бирига қозимиз, ака. Шуйтиб, бош қашмишга вақт йўқ.
– Шундай бўлсин, бошингиз ширин ташвишлардан чиқмасин, Хусан Махарадзе бобо.
– Раҳмат, ака. Тўйда кўришамиз.
– Албатта.
– Эски кадрдонларни кўрасиз шу баҳонада. Ҳаммасини қақирганман. Ҳаммаси келади. Собiq телевизиончиларнинг кўчма коллегиясини яна Қаршида ўтказамиз.
– Ҳозирдан табриклайман. Юз ёшдаям йўртиб юринг. Худо хоҳласа, кўришамиз. Учрашгунча...

Абдусайд КҶЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси



Сурдарё вилояти

Бу маскан мактабдан ҳам кўра, кўпроқ оилага ўхшайди. Уни кўриб, ўртак оладиган жиҳатлари бисёр. Жамоа ҳамжиҳат, ҳамфикр. Таълим-тарбия берадиган устозлар илмли, ҳалим, тиниб-тинчимас. Ҳудудни айланган кишининг баҳри дили очилади. Мана шундай иқлимни яратиш ортида катта меҳнат, фидойилик ётибди, албатта.

Муҳтарам Ҳасанова 25 йилдан буён мактабда бирор-бир бўш жойни тилидан сабоқ бераётган Абдусами Тўхлиев, ҳар бир ўқувчисига алоҳида эътиборли бошланғич синф ўқитувчиси Мўминжон Мустафоқуловларнинг ютуқларига кўпчилик ҳавасда. Мактабнинг 100 нафарга яқин ўқувчиси спортнинг турли йўналишлари бўйича Ўзбекистон чемпионлари. Белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони



Шодиёр Ражабалиев мактаб фаҳри. Мактабда бирор-бир бўш жойни учратмайсиз. Кўргазмалар сизга кимлигини эслатиб туради. Миллий либослар, қишлоқ ҳовлисининг кўрниши, уй анжомлари, саранжом-саришталик, сўридаги атлас қўрпачалар, хонтахта устига ёзилган кўроқ дастурхон... Хонаки гулларни-ку, қўяверасиз. Тасвирий санъат намуналари ҳам одобдан, ҳам одамийликдан сўзлаб ту-

рибди. «Кўғирчоқ театри» истеъдодли болаларни жамлаган бўлса, 2 мингдан зиёд бадий асарлар жой олган кутубхона ҳамиша гавжум. Муҳтарам Ҳасановани икки боғнинг боғбони дейиш мумкин. Чунки болалар қалбига згуликни жо қилиб, таълим-тарбия бериш билан бирга, мактаб ҳудудидagi ташландиқ ерни ўзлаштириб, боғ яратган. 2004 йилда экилган ниҳоллар бугун мева, соя берапти. Ра-

барнинг ўзи Фарғонанинг Кувасига бориб, боғбонлардан кўчат пайвандлашни ўрганиб келди. Бугун боғда ўн уч турдаги мевали дарахтлар бор. Боғ «Меҳри қўллар», «Ўқувчилар боғи» лойиҳалари асосида бунёд этилди. Унда ҳар бир устознинг, ҳар бир ўқувчининг ўз дарахти бор. Куз келиши билан уруғ тўплаш бошланади. Улар сара навларни экадилар. Голландия райҳонини чой қилиб ичса бўлади. У шифобахш ҳам. Бу турдаги

райҳон фақат мана шу мактаб ҳовлисида ўстириляпти. Боғбонлар 5 турдаги арча кўчатлари етиштиришни ҳам йўлга қўйишган.
Мактаб жамоаси сўнгги уч йил мобайнида туман ташкилотларига 500 минг туп кўчат сотиб, 200 миллион сўмга яқин маблағ жамғарди. Айни вақтда 12 минг тупга яқин 18 турдаги манзарали ва мевали дарахт кўчатлари парваришланмоқда. Мактабнинг боғ яратиш, кўчат етиштириш, яшил макон бунёд этиш бўйича тажрибаси бошқа таълим муассасаларида ҳам оммалаштирилдиган бўлди.
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Муҳтарам Ҳасанова бу йил «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди. «Бу мукофот менга эмас, мактаб жамоасига берилди, деб биламан», деди у тақдирлаш чоғида. Бу кўнгилдан чиққан гап эди. Бу камтар, камсуқум, аммо ўта меҳнаткаш устознинг сўзи эди.
Устознинг икки ўғил, икки қизи бор. Ўн бир нафар набиранинг буvisи. Катта қарвон қайдан юрса, кичиги ҳам шундан юради. Минглаб ўғил-қизлар устози бўлган Муҳтарам Ҳасанованинг оилада ҳам издошлари бор. Бир ўғил, бир қизи ва икки келини унга эргашган, яъни педагогика соҳасини танлашган. Қарвонбоши эса згуликка элтадиган манзилларни яхши билади.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



MYACCIS:

ISSN 2030-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetaları tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosi),
Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A.Haydarov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:30
Topshirildi – 00:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
Buyurtma 579
Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 30344
16331 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasiida chop etildi.

Korxona manzili:
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi, 270-uy.